



15.07.2022 даги

"Maxmud Stroy" МЧЖ ва Тахиатош тумани ҳокимияти ўртасида 533000000,00 сўм умумий суммага тузилган  
№ 1 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4233900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	533 000 000,00			533 000 000,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>533 000 000,00</b>			<b>533 000 000,00</b>

Жами 533000000,00 сўм

Беш юз ўттиз уч миллион сўм 00 тийин

сумма суз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 159900000 сўм ёки 30%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
30 % \*\*\*2022 йил июль ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Ҳисобчилик бўлими раҳбари

\_\_\_\_\_

(ИМЗО)

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

Аманов А.  
(Ф.И.О)

(ИМЗО)

Лаймова Г.  
(Ф.И.О)

Бу юртимчи ходими  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

«15» июль 2022 й

Хужайли тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номли «Тахياتош тумани хокимлиги» «Низом» асосида иш берувчи хоким: И.Матқаримов, бир томондан; кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «MAXMUD-STROY» МЧЖ сн номидан «Устав» асосида иш курувчи А.Исақбаев иккинчи томондан, «Тахياتош тумани Найманкул ОФЙ худудида урта босимидаги газ таъминоти» ишларига мазкур пудрат шартномани тўздилар

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан берхитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ваёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра «Тахياتош тумани Найманкул ОФЙ худудида урта босимидаги газ таъминоти» ишларига учун умумий суммаси **533 000 000 сум** (ККС билан бирга, шундан ККС суммаси **69 521 739,13 сум**) бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўлайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда қузда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегинли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ваёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиққурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини этказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкний жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқруйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тўлов савдолари натижаси бўйича аниқланган хурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (уттиз) фоизи миқдорини аванс ўтказиши, бу 159 900 000 сўмини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тўлов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органи билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳолисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига қамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бўғловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуҳсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.03 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.05 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.01 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидаги сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга солиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонуналарга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ақдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санастигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқибарча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача ҳисобланади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

### БУЮРТМАЧИ

«MAXMUD-STROY» МЧЖ	«Тахиятош тумани хокимлиги»
Адрес: РК г. Тахиятош, ул. Ш.Рашидов б/н	Адрес: РК г.Тахиятош, ул. Аль Фарабий б/н
Тел. 90 727 98 28	Тел (61) 572 - 36 - 66
р/с: 20208000905313003002	л/с: 40722860352287013990018001
ИНН: 307 965 313	ИНН: 207261100
МФО 01038	Единый казначейский счет Мин Фин. РУз
АКБ «Капитал банк» г. Нукус	р/с 2340 2000 3001 0000 1010
	Центрбанк г. Ташкент
	МФО 00014 ИНН 201 122919
Рақобат:  А.Исақбаев	Хоким:  И.Матқаримов
ЮРИСТ  А. Юсупов	



Тахиаташ району хақимлиги “Товар –материаллық запаслар хам материал хужжеттери” сатып алыу бойынша таңлау комиссиясы”нын ен жақсы уяғысларды таңлап алыу бойынша аткерилген 3 -санлы мәжлис баяннамасы

2022-жыл “15” <u>июль</u>		Тахиаташ району (Лаўазымы)
<u>Қатнасыўшылар</u> <u>Комиссия баслығы</u>	(Ф.И.Ш) Бектемиров Г.	Курылыс бойынша хақим орынбасары ,комиссия баслығы
<u>Комиссия ағзалары</u>	К.Камалов Уразымбетов Ф.	Завхоз Шолкемлестириу хам кадагалау топары баслығы комиссия ағзасы
	Бекджанов Ф.	Курылыс болими бас канийгеси комиссия ағзасы
	Алимова Г.	Бас есапшы комиссия ағзасы

### КҮН ТӘРТИБИ:

Тахиаташ району Хақимлиги - Таңлап алыу комиссиясы баслығы А.Аманов мәжлисте таңлау комиссиясынын 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усунды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар хақкында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ен жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиўи хақкында арнаўлы информацийон порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дагаза таңлау қатнасыўшыларынын кабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәренинен жеке кабинети аркалы жайластырылган 2022 жыл 29 июнь күни №22110012113965-санлы лот бойынша 2022-жыл 09-июль кунги 32380 -санлы баяннамасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар хақкында»ғы Нызамы талапларына хэмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

### Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1 Тахиаташ району Найманкол АПЖ аймагында орта басымдагы газ таъминаты (1этап) жумысларын амелге асырыўоткерилген таңлап алыу хужжетлеринде хам таңлау шартлери бойынша ен жақсы шартлерди усинган хам таңлап алыу женимпазы деп атбылган “ MAHMUD-STROY” ЖШЖ 533000000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шартлери тийкарында шартнама дүзиўден бас тартқан жагдайда шартнама дүзиў хукукы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, “BEKBAU STORY” ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаган муғдарда шартнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.






3. Нызам талапларына мууапық таңлау қатнасыўшыларынын усынысларын көрип шығыў хэм баҳалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын кабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы – Г.Алимовага таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаўлы информацийон порталына ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жайластырыу тапсырылсын.

5. Таңлау комиссиясы хаткери (Камалов Калибек), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сақлануын тамийнлесин.

Қатнасыўшылар  
Комиссия баслығы

Комиссия ағзалары

Имзасы (Ф.И.Ш)  
 Бектемиров Г.  
 К.Камалов  
 Уразымбетов Ф.  
 Бекджанов Ф.  
 Алимова Г.

(Лаўазымы)  
Курылыс бойынша хақим орынбасары ,комиссия баслығы  
Завхоз  
Шолкемлестириу хам кадагалау топары баслығы комиссия ағзасы  
Курылыс болими бас канийгеси комиссия ағзасы  
Бас есапшы комиссия ағзасы